

Тошкентдан "ЎТЙ" АЖ № Н/1259-А 28/12  
Барча МТУ, МТУМ, ТехПД, ДС тариф станцияларига  
Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ, ЖДК

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйидагиларни маълум қилади  
2024 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан):

Экспорт юкларни "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга тегишли вагонларда Қирғизистон темир йўллари жанубий бўлинмасидаги станцияларга (Савай/Карасу-Узбекский, Султанабад/Карасу-Узбекский, Кувасай/Пост 38 км, Хонобод/Джалалабад, Учқўрғон/Шамалдысай чегара станциялари орқали) ва Тожикистон темир йўлларининг Соғд участкаси станцияларига (Бекабад/Спитамен, Сувонобод/Истиқлол чегара станциялари орқали) ташишда ушбу темир йўл маъмуриятлар ҳудудларида вагонларни ювиш ва буғлаш станциялари мавжуд бўлмаган ҳолатда, юкларни туширишдан кейин ювилиши мажбурий бўлган вагонларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Далигузар, Алтиариқ, Қороулбозор дезинфекция ва ювиш станцияларида ювишда, қуйидаги қўшимча йиғимлар ундирилсин:

- тўловлар "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан тўғридан-тўғри шартнома тузган транспорт-экспедиторлик ташкилотлари орқали амалга оширилганда 1 вагон учун 90 АҚШ долл. (ҚҚСсиз) миқдорида;

- тўловлар ТехПД орқали амалга оширилганда 1 вагон учун ҳар бир ювиш станцияси белгилаган миқдорда.

Ушбу шартлар Далигузар, Алтиариқ, Қороулбозор ювиш ва буғлаш станцияларида ишларни ташкиллаштириш буйича "Oztemiryo'lekspeditsiya" МЧЖ билан тузилган амалдаги шартномаларга нисбатан қўлланилмасин.

Ишда қўллаш учун инобатга олинг.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги ДС тариф станцияларини таништиринг.

ННтп – 17 057

Н

Ижр. Шукурова С.С.  
тел: 4-99-85

Нарзуллаев

Маҳаллий: М, ЖДР, ЖДЭ, ЖДКга етказилди

1633

28.12.23